



Тарбиянинг энг
мақбули
фарзандларга китоб
уқишда, муомала
маданиятида,
тартиб-интизомда
ибрат бўла
олишидир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Иқтисодий ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилади



3-4 ноябрь кунлари Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туризм мажмуаси Конгресс марказида "Инсон манфаатларини иқтисодий ислохотларнинг бош мазмунига айлантириш" мавзусидаги II Ўзбекистон иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

Унда халқаро ташкилотлар, юртимиздаги вазирилик ва идоралар раҳбарлари, етакчи иқтисодчилар, нуфузли инвестор ва экспертлар иштирок этди. Анжуманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум қатнашчиларига мурожаатини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида дунёда давом этаётган мутараққот пандемия ва глобал иқтисодий инқироз оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар фондида юзага келаятган озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши муаммолари инсон тақдирини ҳақида жиддий бош қотиришни кун тартибига долзарб масала қилиб қўйётганини қайд этган. Ва мазкур форум нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий компаниялар ва таниқли экспертлар иштирокида бу борадаги илғор тажрибаларни муҳокама қилиш ҳамда биргаликда умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чи-

қиш учун қулай имконият бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган. Тараққиёт стратегиясининг марказида биринчи навбатда инсон кадри ва манфаати туради, - деди форум очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.Қўчқоров. - Унда 2026 йилгача мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли ички маҳсулот миқдорини амалдаги 2000 доллардан 2800 долларга олиб чиқиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш орқали камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш асосий мақсад сифатида ақс эттирилган. Бу орқали биз 2030 йилга бориб, жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорини 4000 доллардан ошириш ва ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кириш учун қатъий мақсадга эришиш йўлида навбатдаги босқични муваффақиятли босиб ўтган бўламиз. Маросимда шунингдек, Жаҳон

банкни вице-президенти Анна Бьерде, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиксин Чен, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки вице-президенти Константин Лимитовский сўзга чиқиб, Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилаётган мазкур иқтисодий форум ва унда муҳокама этиладиган масалаларнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг истиқболлари юзасидан ўз фикрларини билдирди. - Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида тез ва барқарор ўсиб бормоқда, - деди Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде. - Йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳам қўшни давлатларга нисбатан юқори. Бунга албатта, 2017 йилдан бошланган иқтисодий либераллаштириш борасидаги кенг қўламли ишлар, молия, банк тизимидаги ўзгаришлар катта туртки берди. Тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватланиши, шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилиши ислохотлар самарадорлигини таъминламоқда. Бу ишлар изчил ва босқичма-босқич давом этиши ҳамда 2026 йилга бориб, Ўзбекистон ўрта даромадли мамлакатлар

қаторига кириши керак. Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиксин Чен Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар марказига инсон манфаати қўйилганини юқори баҳолаб, иқтисодийликнинг, Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилаётган мазкур иқтисодий форум ва унда муҳокама этиладиган масалаларнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг истиқболлари юзасидан ўз фикрларини билдирди. Форум ўндан ортиқ сессияда ўз ишини давом эттирди. Сессияларда мамлакатимиз парламенти, банк ва молия идоралари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар иштирок этди, Ўзбекистондаги фаол иқтисодий ислохотлар, қулай инвестицион муҳит бўйича ўз фикрлари, тақлифларини билдирди. Тадбирлар доирасида Ўзбекистон ва халқаро молия идоралари билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар, ҳамкорликнинг келгуси истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Форумда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди. **Ф.ХАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат).**



Самарқанд шаҳрида янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, унинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда Олий Мажлис Сенати аъзолари Фармон Тошев, Фарҳод Боқиев ва Қонунчилик палатаси депутатлари Ғайрат Абдиев, Бекмирза Эшмирзаев ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига янгиликлар бор

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг ҳажми амалдагисига нисбатан деярли 3 баробар катта бўлиб, 581 моддани ўз ичига олган. Ҳужжатда индивидуал меҳнат муносабатлари, айрим тоифадаги ходимлар меҳнати тартибига солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишни назарда тувчи нормалар қўшилган. Семинарда маърузачилар ушбу кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида 10 дан ортиқ халқаро ташкилот, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлат тажрибаси ўрганилгани, Кодекс лойиҳаси Қонунчилик палатасида бир йил давомида чуқур таҳлил этилиб, маромига етказилганини қайд этди. - Мазкур кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради, - дейди Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очилган таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Боқиев. - Муҳими, расмий ва норасмий тармоқда мавсумий иш билан банд бўлганларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф

этади. Масалан, пандемия шароитида корхона, ташкилот ва идоралар ходимлари масофадан ишлаш тизимига ўтишига тўғри келди. Аммо бундай вазиятда иш берувчи ёки ишчи ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи ёки тартибга солиувчи нормалар мавжуд эмаслиги амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Шу каби жараёнларда расмийлаштириш ва ходимлар тоифалари аниқ белгиланган 452-464-моддалар киритилди. Амалдаги Меҳнат кодекси бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида қабул қилинган эди. Ўша вақтларда хусусий сектор улуши атиги 21 фоиз бўлган бўлса, ҳозир 83 фоиздан ошган. Шунинг ўзиёқ янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилиш аҳамиятини юзага чиқаради. Янги таҳрирдаги кодексда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимоя қилинишига мўлжал қилинган меҳнатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинувчи алоҳида боб киритилди. Унда хотин-қизларнинг меҳнат шартлоари, иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида турғуқача парваришlash учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шартлиги белгиланди. **Сулаймон МАРДИЕВ.**

Иссиқхоналар газ билан таъминланади

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган иссиқхоналарни табиий газ тармоқларига улаш ишлари бошланганидан хабарингиз бор. Бугунгача "Худудга Самарқанд" газ таъминоти филиали мутахассислари томонидан тадбиркорларга тегишли иссиқхоналар ўрганиб чиқилиб, табиий газ билан таъминлаш бўйича шартномалар тузилди. - Ўтган икки кун мобайнида вилоятимиздаги 120 та иссиқхона ҳўжалиқларининг газ тармоқларини техник жиҳатдан ўрганиб, раҳбарлари билан суҳбатлашдик, - дейди филиал директори

Ансор Муҳаммадиев. - Бугунгача шаҳар ва туманлардаги 94 та иссиқхона билан газ етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб, тармоққа уланди. Ўрганишлар натижасида 44 та иссиқхонанинг табиий газдан 5 миллиард сўмдан ортиқ қарзи борлиги маълум бўлди. Филиал мутахассислари тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, мавжуд қарздорликларни тугатиш борасида ҳам келишиб олишди. Табиий газга эҳтиёжи бўлмаган 17 та иссиқхонани муқобил иситиш маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. **Д.ТЎХТАЕВ.**

БМТнинг болалар жамғармаси - ЮНИСЕФ ҳамда Zamin халқаро жамоат фонди ҳамкорликда Самарқандда "Тўсиқлар" кампаниясини ўтказди. Тадбирда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, ногиронлиги бўлган болалар, уларнинг ота-оналари, нодавлат нотихорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзаро мулоқот қилди. -Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилгани катта ютуқдир, бироқ ҳали янада кўпроқ ишлар амалга оширилиши лозим, - дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Ма-

Биз турличамиз, лекин бир хилмиз!

медзаде. - Мазкур "Тўсиқлар" кампанияси Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция тамойилларини тарғиб қилишни кўзлаган. Жумладан, болаларни ногиронлиги асосида интернат шаклидаги муассасаларга жойлашга барҳам бериш ва болалар ўз ҳамжамияти, ўз оиласида тарбияланишига кўмаклашиш, ажратиб қўйишга асосланган таъ-

лим тизимларини бекор қилишдан иборат. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар кўпинча махсус мактабларда таълим олади. 2020 йилда улар интернат шаклидаги муассасаларда таълим олаётган болаларнинг 75 фоизини ташкил этган. Баҳоаларга кўра, тахминан 9700 нафар ногиронлиги бўлган болалар мактаб тизими билан қамраб олинмаган.

Анжуманда Самарқанд вилоятида 15 мингга яқин ногиронлиги мавжуд бўлган 16 ёшгача бўлган болалар борлиги, уларнинг 4 мингга яқини таълимга қамраб олингани айтилди. Улар махсус таълим муассасаларида, уйда ҳамда жуда саноқли қисми инклюзив таълим асосида билим олади. - Афсуски, жамиятимизда ногиронлиги бўлган болаларни бошқа болалардай қабул қилиш, уларга дўстона муносабат ҳамон шакланмаган, - дейди Зилола Тожиева. - Шунинг учун биз, ногиронлиги бўлган фарзандлари мавжуд ота-оналар доимий равишда учрашиб, болаларимизни уларга мос



бўлган, кўнгиллар томонидан тузилган спорт тўғарақларига олиб борамиз, тенгдошлари билан кўпроқ мулоқот қилдиришга уринамиз. Афсуски, бу гуруҳимизда ота-оналар кам. Аксарият ота-оналар ногиронлиги бўлган фарзандларини уйда олиб ўтиришга, илоҳи бўлса, ҳеч кимга кўрсатмасликка ҳаракат қилишди, уни яширишди. Ваҳоланки, ногиронлиги бўлган болани жамиятга қўйиш, у билан кўпроқ шуғулланиш унинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишига ўзим фарзандим мисолида гувоҳ бўлганман. Шунингдек, ота-оналар томонидан жамиятимизда инклюзив таълим

жараёнидаги камчиликлар, хусусан, соғлом болаларнинг ота-оналари бундай ҳолатни қабул қила олмаётгани, ўқитувчиларнинг бу болаларни баҳолашдаги мезонлари йўқлиги, мактаб инфраструктураси каби қатор муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир давомида ногиронлиги бўлган болалар инклюзияси мавзусида ижтимоий роликлар премьераси ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, анжуман доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун инклюзия масалаларини ёритиш бўйича машғулот ўтказилди. **Гулрух МҶМИНОВА.**

Боланинг ривожланиши учун қаер яхши: уйми ёки боғча?

Беш яшар қизимнинг илтимоси билан йўл четиди болалар майдончасига кирдик. Эътиборимни тортган нарсаси, қизим у ердаги 3-4 нафар бола билан тез тил топишиб, бирга ўйнаб бошлади. Фақат бир бола ўзини четга олди, ўйинчоқларига тегинганларни қувиб соларди. Фарзандини сайрга олиб чиққанлардан сўраб билсам, бу 6 ёшлар чамасидаги бола аслида кўчага ҳам кам чиқаркан, "Отанаси тилаб олган, авайлаб боғчага ҳам беришмайди уни", деб вазиятни тушунтиришди менга. Қизимнинг айтишича, болалар у болага "ёввойи", деб лақаб қўйишибди. Ёввойи бола. Буни ўқиб, хаёлингизда ўрмонда, ёввойи ҳайвонлар ичида улғайган, инсонларга хос хислату фазилятлардан мусову мультфильм қаҳрамони - Маугли гавдаланди, шундайми? Аслида, бу атама бугун тиббиётда ҳам бор. Фақат энди "Маугли" бўлиш учун ўрмондан чиқиш шарт эмас, яшаб турган жамиятда ўзини бегона ҳис қиладиган, жамоавийликка ўрганмаган, бир сўз билан айтганда, ижтимоийлашмаган болалар тиббиётда шундай аталади. Улар ўз хаёлий оламида яшайди, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга жуда таъсирчан бўлиб қолади. **(Давоми 2-саҳифада).**



Боланинг ривожланиши учун қаер яхши: уйми ёки боғча?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мутахассисларнинг таъкидлашича, боланинг мактабгача даврда ижтимоийлашуви жуда муҳим ҳисобланади. Ҳаётининг айнан шу босқичида улар мулоқотга киришиши, тўғри фикрлаши ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиши ўрганади. Албатта, бу жараён уйда, телевизор қаршида содир бўлмайди, балки жамоада, тенгдошлар билан мулоқот давомида шаклланади. Боғчаларнинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда. Улар фақатгина болага энагалик қилувчи муассаса эмас, балки уларни шахс, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тарбиялайдиган маскан ҳисобланади. Хўш, бугун боғчаларимиз бу масъуляти вазишни бажара оляптими? Боғчага борган бола билан бормаган боланинг қандай фарқи бор? Тойлоқ тумани мисолида ҳолатни таҳлил қилдик.

Аввал, баъзи рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Маълумотларга кўра, туманда айни кунда 188 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Шундан 44 таси давлат, 138 таси оилавий, 4 таси давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда 2 таси хусусий боғча. 50 та маҳалланинг 17 тасида давлат боғчалари мавжуд эмас. Оилавий боғчаларнинг асосий қисми ана шу ҳудудларга тўғри келади. Ҳар бир оилавий боғчада 25 нафардан 50 нафаргача бола тарбияланади.



Боғчаларнинг боғчаларга қамрови тизимли ошириб борилаётганида, дейди туман мактабгача таълим бўлими шўба мудири Жавод Расулов. - Мисол учун, ўтган йили кўрсаткич 71 фойз эди. Жорий йил 3-7 ёшли болалар сони 18102 нафарни ташкил этган ҳолда, уларнинг 13468 нафари, яъни 80 фойзи боғчага қамраб олинди. Яқин бир-икки йил ичида ҳудудда боғчалар билан боғлиқ муаммо қолмайди.

Демак, бу ерда болаларнинг асосий қисми давлат ва оилавий боғчаларга катнашди. Масъулин таълим муассасаларидаги асл ҳолат қандай? Буни аниқлаш учун ҳар тўрт турдаги боғчаларда бўлиб, улардаги таълим-тарбия жараёни, болалар ва ота-оналарнинг кайфиятини ўргандик.

30 БОЛАНИ БИР НАФАР ТАРБИЯЧИ ЭПЛАЙ ОЛМАЙДИ

Маданият маҳалласида жойлашган 17-давлат мактабгача таълим ташкилотиди 112 нафар бола 4 та гуруҳда тарбияланади. 5 нафар тарбиячи бор. Биз мактабгача тайёрлов гуруҳида кириб, машғулотларни кузатдик. "Ноннинг ушоғи ҳам нон" мавзусидаги машғулотга болажонлар нон ҳақидаги шеърларни ёд олиб келишибди. Аҳамиятлиси, уларнинг барчаси дарсда фаол қатнашапти, меҳмонлар билан саломлашти, катталарга йўл бериш, хайрлаштиш одобидан ҳам яхши хабардорлар. Аммо барибир баъзи ҳолатлар эътиборимиздан четда қолмади. Мисол, аксарият болалар "Катта бўсанг, ким бўласан?", "Қайси фан сенга кўпроқ ёқади?", деган оддий саволларимизга жавоб беришга қийналди. Аксинча, "Сизга боғчанинг нимаси ёқади?", деган саволга бир овоздан "Уйнаш ва сайр қилиш", деган жавобни олдик. Болаларнинг фаол бўлиши яхши, бироқ уларни ҳаётнинг кейинги босқичига тайёрлаш, иқтидорини тўғри йўналтириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Ана шу вазиятда боғчаларда кузатиладиган бир муаммо кўзга ташланади. Қайси дейсизми? Масалан, 17-ДМТТда

ги биз кузатган гуруҳда 29 нафар бола бор. Уларга бор-йўғи бир нафар тарбиячи ва унинг ёрдамчиси бириктирилган. Тажрибадан маълумки, тарбиячининг ёрдамчиси оdatда шу гуруҳнинг фаррошлигини ҳам қилади. Яъни, у таълим-тарбия жараёнида деярли иштирок этмайди. Демак, 29 нафар бола тарбиясининг уволю савоби бир нафар тарбиячи зиммасида қолмоқда. Бундай муҳитда ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш, унинг иқтидорини аниқлаб, рўёбга чиқариш мумкинми? Бунда педагогнинг дастурда белгиланган машғулотларни бекаму кўст ўтиши ҳам амримаҳол. Унутманг, гап мактаб ўқувчиси ёки институт талабалари ҳақида эмас, боғча болалари ҳақида кетаяпти. Ота-оналарнинг ўзи ҳам бу ёшда болаларнинг диққатини жамлаш, тартибга ўргатиш қанчалар қийин эканлигини яхши билишади.

Пандемия даврида бир гуруҳга фақат 10-15 нафар бола қабул қилишга рухсат берилган эди, - дейди боғча директори Муборак Ривожева. - Ана шу ораликда тарбиячиларимиз завб билан ишлади. Машғулотларнинг сифати, болаларнинг ҳулқи, мавзуларни ўзлаштириш ҳам сезиларли яхшилانган эди. Очиғини айтиш керак, 30 нафар болага бир нафар тарбиячининг "куч"и етмайди. Бундай гуруҳларда икки нафар тарбиячи ҳам қийналиб қолади.

ҳолатни ўргандик. Дарҳақиқат, боғчадаги шароит ҳавас қилса арзиғулик, хоналари иссиқ (17-ДМТТда иситиш мавсуми бошланмаганлиги учун хоналар зах эди), болалар ўйнаши ва спорт билан шуғулланиши учун алоҳида майдончалар бор. Эътиборлиси, боғчани ташкил этган Дилафрўз опа педагог бўлиб, тарбиячилиқни ҳам ўзи қилар экан. Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда улар оилавий боғчадаги таълим-тарбия жараёнидан қониқганини, шоякити йўқлигини айтишди.

Даромадим маҳалладаги жамоат ишларидан эди, ҳозир ишсизман, - дейди оналардан бири. - Оилавий шароитим оғирлиги сабабли ўғлимни боғчага бермаганим. Масъулар келиб ўрганишди, розилигимни олиб, ўғлимни ўзлари оилавий боғчага бепул жойлаштириб беришди. Илгари у кўп вақтини телевизор қаршида ўтказганлиги сабабли тортиноч, инжиқ бўлиб қолган эди. Ҳозир ҳулқи бутунлай ўзгарган. Одамларга ҳушмуомала, боғчадан келиши билан янги ўрганган нарсаларини айтиб, мени қувонтиради.

Бир қарашда оилавий боғчалардан болалар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд. Аммо ҳулоса қилишга шошилмайлик. Диққатни қаратиш керак бўлган жиҳат шуки, бу каби боғчалар оdatда 25 ўринли бўлиб, бир гуруҳга турли ёшдаги болалар қабул қилинади. Масалан, биз борган боғчада ҳам бир гуруҳда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 25 нафар бола қабул қилинган. Шундан тўрт нафари мактабгача тайёрлов ёшда экан. Қизиқ томони, бу турдаги оилавий боғчаларда машғулотлар "Илк қадам" мактабгача таълим муассасаси давлат ўқув дастурининг ўрта гуруҳларга мўлжалланган режаси асосида ўтилади. Яъни, уларда болаларни кичик ва катта гуруҳларга бўлишнинг имкони йўқ. Шу боис машғулотлар умумий тартибда ташкил этилади. 50 ўринли оилавий боғчаларда вазият сал яхшироқ бўлиши мумкин, аммо унда ҳам бир гуруҳга тенг ёшли болаларни тўплаш қийин. Савол туғилади, келаси йил мактабга чиқиши керак бўлган болаларни ўқитиш нима бўлади?

Тўғри, қонунчилиқка кўра, бу ёшдаги болаларни ҳудуддаги умумтаълим мактабларида ташкил қилинган мактабгача таълим синфларига бериш мумкин. Лекин бу ота-онанинг хоҳишига боғлиқ. Кўп ҳолларда кечгача ишда бўладиган катталар боласини мактабдан олиб кетишга вақт топа олмайди. Бундай оилалар учун ягона йўл фарзандни боғчада қолдириш бўлмоқда. Буни Дилафрўз Расулова ҳам тасдиқлади.

Асосий муаммомиз ҳам шунда, - дейди у. - Мактаб ёшдаги болаларнинг ота-оналарига вазиятини тушуниришимиз. Лекин улар куни билан ишда бўлишини, мактабдаги икки соатлик дарсдан кейин болага қараб турадиган одами йўқлигини айтмоқчи. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ, имкон қадар бу болалар билан алоҳида шуғулланишга ҳаракат қилганмиз.

Айтиш керакки, бу туманинг намунали оилавий боғчаларидан бири эди. Аслида, барча оилавий боғчаларда ҳам шароит, болаларга эътибор бир хил эмас. Ворсин маҳалласидаги яққа тартибдаги тадбиркор Раҳима Исмаиловоега қарашли оилавий боғчада бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдим. Келишимиз болаларнинг кундузги ўйку вақтига тўғри келганлиги сабабли тарбиячи билан суҳбат қилдик. Очиғи, унинг саволларимизга берган ўнда-жўнда жавобларидан қониқмадик, тарбиячининг иш журналини сўрадик. Аммо у ҳам номигагина юрийтилаётган экан. Бу биз ўрганган иккинчи оилавий боғча эди. Қизиқ, тумандаги 138 та шу каби боғчадан яна нечтасида болалар тақдирини шундай муносабатда бўлимоқда?



ДАВЛАТ БИЛАН ШЕРИКЧИЛИҚДА...

Туманинг Сочак маҳалласида жойлашган "Ширинтой болажонлар" давлат-хусусий шерикликдаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти 75 ўринга мўлжалланган. Асосийси, бу муассасада 6 нафар педагог, 3 нафар ёрдамчи ва алоҳида методист ишлайди. Яъни, 25 нафар боладан иборат 3 гуруҳга 2 нафардан тарбиячи ва 1 нафардан ёрдамчи тўғри келади.

Рус тилига ихтисослаштирилган мазкур боғчага ижтимоий ҳиммага муҳтож оила фарзандлари имтиёз асосида қабул қилинган экан. Болажонлар бунда давлат дастуридаги машғулотлардан ташқари тақводно спортти, мусиқа ва инглиз тили тўғрақларига жалб қилинади.

Мен мактабгача ёшдаги болалар гуруҳи билан ишлайман, - дейди олий маълумотли тарбиячи Наргиза Равшанова. - Машғулотларни асосан рус тилида ўтаим. Ўзлаштиришида муаммо бўлаётган болалар билан алоҳида ишлаймиз. Бу ёшда улар мустақил бўлишга ўрганиши керак. Шу боис уларга турли ўйинлар орқали кунни қандай тақсимлаш, кўча-кўйда ўзини қандай тутиш, бўш вақтни қандай ўтказиш кераклигини ҳам ўргатиб борамиз.

Муассасадаги шароит диққатга сазовор. Асосийси, ота-оналардан олинадиган тўлов миқдори ҳам унчалик қиммат эмас: оддий оила учун 600 минг сўм, ижтимоий дафтарда турган оила фарзандлари учун 150 минг сўм. Бу фарзандингиз мактабгача бўлган даврда рус ва инглиз тилларини ўрганиши, спорт билан шуғулланиши учун сармоҳ ҳисобланади. Бирок буни барча ота-оналар ҳам тушунамайди. Имконияти бўлса-да, турли баҳоналар билан фарзандини уйда олиб ўтирганлар кўп орамади.

Маҳалламизда давлат ва хусусийларини қўшиб ҳисоблаганда, 5 та боғча бор, - дейди "Сочак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухаммад Норматов. - Болаларни боғчага қамраб олиш борасида муаммо йўқ. Шунга қарамай, айрим ота-оналар боласини уйда олиб ўтирибди. Улар билан суҳбатлашганимизда турли сабабларни кўрсатишди, пулим йўқ, дейдиганлари ҳам бор. Бир бола учун ойига 150 минг сўм тўлов нима дегани? Массаланинг иккинчи томони шундаки, фарзандни боғчага бермаган ота-онанидан бири ишлаш қийин. Демак, у оиласига қўшимча даромад келтирмайди. Агар улар ҳам бирор ишининг бошини тутганида, хусусий боғчага етадиган пулни топиши мумкин эди. Бу эса бола келажига учун киритилган инвестиция дейилади. Боласини боғчага қўйиб, ўзи тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларимиз қанча? Уларнинг уйи ҳам обод, болалари ҳам билимли бўлиб улғаймоқда.

ХУСУСИЙ БОҒЧАГА ФАҚАТ ПУЛДОРНИНГ БОЛАЛАРИ КАТНАМАЙДИ
Сочак маҳалласидаги хусусий мактабгача таълим ташкилотида келганимизда фарзандни боғчадан олиб кетаётган ота-онага дўл келдик.

Ўғлимизимиз мактабдаги тайёрлов гуруҳига бермоқчи эдик, кўнмади, - дейди боланинг отаси. - Қолаверса, биз ҳам унинг ўқиш боғчада давом эттириши



Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари

Янгисининг эскисидан фарқи борми?

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 14 октябрдаги қарори билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқнинг намунавий қоидалари тасдиқланди.

Қайд этиш лозимки, шу вақтгача давлат хизматчисининг ишдан ташқари вақтдаги жумла-атворишни тартибга солувчи, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийинчи услубига оид талаблар, одоб-ахлоқ қоидаларини назорат қилиш белгиланмаган эди.

Хукумат ҳужжати асосида санаб ўтилган барча муносабатларни ҳал этишга ҳуқуқий ечим яратилди. Аҳамиятисини, одоб-ахлоқ қоидаларида давлат хизматчиларини ҳимоя қилиш каби биринчилик ҳам белгилангани барча жиҳатлар эътибордан четда қолмаганини билдиради.

Одоб-ахлоқ қоидаларидан кўзланган энг биринчи мақсад давлат хизматчида юксак касбий маданиятни шакллантириш орқали халқимизни рози қилишдан иборат. Қолаверса, жамоатчилик онгда давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Катъий қоидалар орқали давлат хизматчиларининг ахлоққа зид хатти-ҳаракатларини содир этишининг олдини олиш ҳам мақсад қилинган.

Табиий савол туғилиши мумкин, аввал ҳам айни шундай қоидалар бор эди-ку, фарқ нимада? Чиндан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги қарори билан одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланган. Сўз юритилаётган ҳужжатда ундан фарқли ўларок, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, қоида бузишга жавобгарлиқни белгилаш ҳамда давлат хизматчисининг манфаатларини ҳимоя қилиш каби янги механизмлар белгиланди. Зотан, шу пайтгача хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ юзага келадиган таҳдид, ҳақорат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан давлат хизматчиларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари йўқ эди.

Энди давлат хизматчиларини қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органи раҳбарининг мажбурияти сифатида белгиланди.

Янги тартиб бўйича одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ташкилотнинг инсон ресурсларини бошқариш бўлиналари ёки одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек, махсус ваколатли давлат органи томонидан назорат қилиб борилади.

Бундан ташқари, ҳар бир ташкилотда давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши билан боғлиқ низолатни кўриб чиқиш учун комиссия тузилади. Комиссия умумий беш нафардан кам бўлмаган ҳолда таърибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларидан иборат таркибда бўлади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини назорат қилишда махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Ушбу янги одоб-ахлоқ қоидаларида унга риоя этилганлиги учун давлат хизматчисига нисбатан уч хил жавобгарлик белгиланди.

Биринчиси, ахлоқий тасвир чоралари (огоҳлантириш, уэр сўраш ёки расмий ҳарома келтиришни талаб қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиял йиғилишларида танбех бериш).

Иккинчиси, интизомий тасвир чоралари (амалдаги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган интизомий тасвир чоралари).

Учинчиси, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши қонунга мувофиқ бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Давлат хизматчиси фаолияти давомида ҳам, ишдан ташқари вақтларда ҳам ўзининг ҳулқ-атвори, ташқи кўриниши ҳамда сўзлашув одоби билан қоланларга ўрнак ва шахсий намуна бўлиши шарт.

Алимардон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳар ҳокимилиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари.

Юқориди кузатув ва ўрганишларимиз ҳулосалари, мутахассису ота-оналарнинг фикрларини баён қилдик. Мақсадимиз - қайсидир таълим муассасасини яхши, бошқасини ёмон дейиш эмас. Бундан ота-оналарнинг ўзи ҳам биздан кўра яхшироқ хабардор. Истагимиз, фарзандингиз учун нима яхши эканлигини билинг - уни уйда олиб ўтиришми ёки жамиятга қўлиш. Бола тарбиясида ҳар бир дақиқа ганимат. Якуний ҳулосани ўзингиз берасиз, албатта.

Аскар БАРОТОВ,
"Зарафшон" муҳбири.

Адабий суҳбат

"Хар биримиз ақл бовар қилмайдиган ТАРИХдан иборатмиз!"



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон билан суҳбат

(Давоми. Боши ўтган сонда). Асарларингизда илоҳий ҳолатлар тасвири кўпроқ учрайди...

лизу рус тилларида журнал чиқаради. Жияним тақлиф қилиб қолди. Юбордик. Шу билан ёдимдан кўтарилибди. Янги йилда жияним кўнгироқ қилиб, "Сизга учинчи ўрин", деди...

Асарларнинг ёзилиши шунга ўхшаса керак дейман. "Боқий дарбадар" шундай эди - бири тодан бири бовар. Лекин уларни бирлаштириб турган битта яхлит устун бор...

Бу даврларга қараб бўлинаркан. Ўсмирлигимда, ёшлигимда, яхши кўрган, кейинчалик ёқтирган кабилар. Ўсмирлигимда Жюль Верни яхши кўриб, саккиз марта ўқиганман...

Муштарий илҳоми

ЗОЛАТ

Негадир кўнглимга ёқмади бу кун, Нева тўлқинларин дағдағаси ҳам. Бир қушча чирқиллар дилимда беун, Қайси бир кўнглидан кўним ўтган гам...

Матбуот уйи Zarafshon Самаркандский вестник

Эзгуликка даъват мавжлари



Таниқли шоира Зулфия Мўминованинг илк шеърлари энди-гина эълон қилинаётган паллалар эди. Тахририятда журналист, шоир ва таржимон Эркин Азаматов билан бир муддат суҳбатлашиб ўтирдик...

Шошманг, Зулфиями? Сурат қистирилган бир даста шеър. Ўқишга киришдим, айрим мисраларни овоз чиқариб тақрор ва тақрор ўқидим. Тўплами нашр қилинмасдан манзур ва машҳур бўлган шоира, - дедим мамнун бир алфозда.

ишонч қатидан жой олган башорат ҳақиқатга айланди. Адабиётимизда "Зулфия Мўминова шеър-ияти", деган эътироф дунёга келди. Бундай эътирофга ўз услубини яратган ижодкоргина мушарраф бўлади.

ларини ташхисга мисол сифатида олган эдик: Холсиз кўлларида сирғалди рўмол, Озгин оёғида хўрсинди этик. Бугун бу журтатимиздан фахрланиб юрибмиз. Тасвирий ифода бадий адабиётнинг муҳим унсурларидан бири...

Илаш Абдиев, фахрий муаллим.

Янги китоблар

Хавас ва ҳасад доим ёнма-ён




"Нурий" тахаллуси билан танилган самарқандлик шоир, фахрий педагог Нуриддин Бобоқандовнинг янги китоби нашрдан чиқди. Унда ижодкорнинг ҳаётий кечинмалари, турмуш чорраҳаларида англаган ҳақиқатлари, хулосаларидан "сув" ичган туркум шеърлари ўрин олган.

Луқма

Хорижий атамалар тилимизнинг мавқеига путур етказмасин

Хис-туйғу, фикр-мулоҳазани ифода-лашда она тилимизнинг имкониятлари чексиз. Сўзларимиз талаффузидаги оҳанги, жилоси гоёғат жозибали. Алишер Навоий тилимизни миллат гурури, шайни, тафаккур зиёси даражасига кўтариб, уни дostonу газалларида латиф ташбеҳлар, гўзал маънолар билан сайқаллади...

Наврўз кўшиқлари



Наврўзи олам - бу нафақат юртимизда, балки бошқа кўплаб мамлакатлардаги қардош миллатлар томонидан ҳам кенг нишонланувчи байрам ҳисобланади. Пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақаладиган айём ҳақида Муҳаммад Наршахий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий сингари улуғ аждодларимиз ўз асарларида қимматли маълумотларни қолдирган.

Аммо ушбу хайрли ишларга қарамай, дилни хира қиладиган айрим эътиборсизликлар кўзга ташланади. Ўзаро муомала жараёнида, нутқларда, миллий сериалларда маҳаллий лаҳжаларнинг хорижий иборалар билан қоришиб кетаётгани, китоб ўқишга тоқат йўқлиги луғат бойлигимизнинг қашшоқлашишига, тилимиз ғализликка олиб келяпти.

Яхши (Ярми ҳазил, ярми чин) Хўрмату иззат ичра Меҳмон учун "ол" яхши. Ширинликлар ичинда Наввотдан ҳам бол яхши. Гўзаллик борасинда, Қаро хинду хол яхши. Обрўси йўқ бошқидан, Бир нуруний чол яхши. Гидамларнинг тагидан Тўшамоққа шол яхши. Соп қилайин десанг гар Қайрағочдан тол яхши.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida shifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: S.MARDIYEV. Sahifalovchi: A.AMINOV.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00. Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 772010 667009 Solovda narxi ketishilgan holda